
Риштон туманида суд-ҳуқуқ масалалари бўйича оммавий қабул ўтказилди

Фуқароларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги мурожаатларига самарали ечим топиш учун янада қулай шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Халқ қабулхоналари, Олий суд, Судьялар Олий Кенгаши, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитаси раҳбар ходимлари иштирокида Риштон туманидаги “Халқаро кулоллар маркази”да оммавий қабуллар ташкил этилди. Қабулда Риштон, Бағдод, Бувайда ва Сўх туманларидан келган 300 га яқин фуқаролар суд-ҳуқуқ ва бошқа бир қатор масалаларидаги мурожаатлари билан қатнашишди. Шунингдек, қабулда туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари ҳам иштирок этишди. Қабул давомида қатор мурожаатлар шу ернинг ўзида ҳал этилди, ўрганиш ва муддат талаб қилган мурожаатлар юзасидан эса чора-тадбирлар белгиланди.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-04-23 18:20:02